

кўрсаткичлари бўйича назорат гуруҳида сезиларли даражада фарқ кузатилмади (қон плазмаси $P > 0,05$, эритроцитлар $P > 0,05$) (2 ва 3-жадваллар).

Коксартроз ва остеонекроз касалликлари билан оғриган беморларда – аёллар ва эркекларда плазма ва эритроцитларда антиоксидант захирани қиёсий ўрганиш натижалари бўйича бу кўрсаткич аёлларда эркекларга нисбатан паст бўлсада, статистик фарқ кузатилмади (плазма $P > 0,05$, эритроцитлар $P > 0,05$).

Ўрганилаётган тос-сон бўғимининг дегенератив-дистрофик касалликларида липид метаболизмида аниқланган ўзгаришларнинг йиғиндиси организм антиоксидант тизимининг фаолияти пасайганлигидан далолат беради, натижада организмда эркин радикалларнинг кўп тўпланиши боис суяк тўқимасига салбий таъсирининг зўрайиб бориши кузатилади. Шу туфайли, организмда липид алмашинувининг бузилиши натижасида ҳосил бўладиган маҳсулотлар – эркин радикаллар миқдорининг ошиб бориши ушбу касалликларнинг ривожланиш патогенезида асосий роль ўйнайди, деган хулоса қилиш учун асос бўлади.

Хулосалар:

1. Коксартроз ва остеонекроз билан оғриган беморларда тос-сон бўғимининг дегенератив-дистрофик касалликларида липид алмашинувининг бузилиши натижасида иккиламчи маҳсулот малондиальдегид миқдорининг кўпайиши кузатилади;

2. Коксартроз ва остеонекроз касалликларида организмда умумий антиоксидант захирасининг пасайиши аниқланди;

3. Коксартроз ва остеонекроз билан оғриган беморларда компенсатор ҳимоя тизими фаолияти пасаяди ва липидлар пероксид оксидланишининг кучайиши сабабли дегенератив-дистрофик жараёнлар ривожланиши кузатилади.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Emad B., Eldeen A. A., Hassan H. et al. Oxide nanoparticles induce cytotoxicity, genotoxicity, apoptosis, and ferroptosis in the human triple-negative breast cancer MDA-MB-231 cells. BMC Cancer, 2023. - Nov 27; – No.23(1):1151.

2. Forman H. J., Zhang H. Targeting Oxidative Stress in Disease: Promise and Limitations of Antioxidant Therapy. Nat. Rev. Drug Discov, 2021. – No.20. – P. 689-709.

3. Jakubczyk K., Dec K., Kałduńska J. et al. Reactive Oxygen Species- Sources, Functions, Oxidative Damage. Pol. Merkur. Lekarski, 2020. – No.48. - P. 124-127.

4. Han M., Lee D., Lee S. H. et al. Oxidative Stress and Antioxidant Pathway in Allergic Rhinitis. Antioxidants, 2021. – No.10, 1266.

5. Hanusch B., Sinnigen K., Brinkmann F. et al. Characterization of the L-Arginine/Nitric Oxide Pathway and Oxidative Stress in Pediatric Patients with Atopic Diseases. Int. J. Mol. Sci., 2022. – No.23, 2136.

6. Luo J., Mills K., Cessie S. et al. Age-Related Diseases and Oxidative Stress: What to Do Next? Ageing. Res. Rev, 2020. – No.57, 100982.

7. Mendona R., Gning O., Cesare C. Sensitive and selective quantification of free and total malondialdehyde in plasma using UHPLC-HRMS. J Lipid Res, 2017. 58:194-1931.

8. Natarajan K., Mathialagan G. D., Raghavan S. et al. The Advanced lipoxidation end product precursor malondialdehyde induces IL-17E expression and skews lymphocytes to the Th17 subset. Cell Mol. Biol. Lett, 2015. - No.20. - P. 647-662.

9. Raffaele C. Malondialdehyde as a Potential Oxidative Stress Marker for Allergy-Oriented Diseases: An Update / Molecules, 2023. - No.28(16), - P. 979.

10. Sies H., Berndt C., Jones D. P. Oxidative Stress. Annu. Rev. Biochem. 2017. – No.86. - P. 715-748.

11. Tagnon M. D., Simeon K. O. Aldehyde dehydrogenases may modulate signaling by lipid peroxidation-derived bioactive aldehydes. Plant Signal Behav, 2017. 12: e1387707.

РЕЗЮМЕ

АНАЛИЗ ПОКАЗАТЕЛЕЙ АНТИОКСИДАНТНОГО РЕЗЕРВА ПЛАЗМЫ И ЭРИТРОЦИТОВ ПО ОПРЕДЕЛЕНИЮ МАЛОНДИАЛЬДЕГИДА

**Байжанов Аллаберган Кадирович¹, Мухитдинова Ирода Равшановна²,
Ибрагимова Нилуфар Хамидуллаевна², Чарышникова Оксана
Станиславовна³, Рахмедова Маннона Тўлқин қизи³**

¹*Научно-исследовательский институт вирусологии Республиканского
научно-практического медицинского центра эпидемиологии,
микробиологии, инфекционных и паразитарных заболеваний,*

²*Военный госпиталь Пограничных войск СГБ*

³*Центр передовых технологий при Министерстве высшего образования,
науки и инноваций Республики Узбекистан*

a.abdullayev1610@gmail.com

Ключевые слова. коксартроз, остеонекроз, малондиальдегид, антиоксидантные резервы, жирные кислоты

Объектами исследования были 29 больных коксартрозом и остеонекрозом (14 больных с коксартрозом, 15 больных с остеонекрозом) и 16 здоровых людей. У больных с этими заболеваниями наблюдалось снижение общего антиоксидантного резерва, недостаточность системы компенсаторной защиты и усиление перекисного окисления ненасыщенных жирных кислот, образующихся как вторичный продукт распада малондиальдегида (МДА) в результате перекисного окисления липидов.

SUMMARU
ANALYSIS OF INDICATORS OF ANTIOXIDANT RESERVE OF
PLASMA AND ERYTHROCYTES BY DETERMINING
MALONDIALDEHYDE

**Bayjanov Allabergan Kadirovich¹, Mukhitdinova Iroda Ravshanovna²,
Ibragimova Nilufar Khamidullaevna², Charyshnikova Oksana
Stanislavovna³, Rakhmedova Mannona Tulqin qizi³**

*¹Research Institute of Virology of the Republican Scientific and Practical
Medical Center for Epidemiology, Microbiology, Infectious and Parasitic
Diseases,*

²Military hospital of the State Security Service Border Troops,

*³Center for Advanced Technologies under the Ministry of Higher Education,
Science and Innovation of the Republic of Uzbekistan*

a.abdullayev1610@gmail.com

Key words. Coxarthrosis, osteonecrosis, malondialdehyde, antioxidant reserves, fatty acids

29 patients with coxarthrosis and osteonecrosis (14 with coxarthrosis and 15 with osteonecrosis) and 16 healthy people were considered as research subjects. In this case, an increase in malondialdehyde (MDA) formed as a secondary product of lipid peroxidation breakdown, a decrease in the total antioxidant reserve, and an insufficiency of the compensatory defense system and an increase in the peroxide oxidation of unsaturated fatty acids were observed in patients with these diseases.

УДК: 616.9:578.834: 616-01/-099: 616.45

**COVID-19 ИНФЕКЦИЯСИГА ЙЎЛДОШ СИФАТИДА ҚЎШИЛИБ
КЕЛГАН КАСАЛЛИКЛАРНИНГ УЧРАШ ДАРАЖАСИ, БУЙРАК
УСТИ БЕЗ ТЎҚИМАСИДА ИККИЛАМЧИ ПАТОЛОГИК
ЎЗГАРИШЛАР РИВОЖЛАНИШИ ХАҚИДАГИ МАЪЛУМОТЛАР.**

**Исраилов Ражаббой Исраилович, Нажмиддинова Нилуфар
Нурали қизи**

Тошкент Тиббиёт Академияси

Israilovrajabboy@mail.com

nilya_92@mail.ru

Калит сўзлар: Коронавирус, инфекция, буйрак усти беzi, ўткир буйрак етишмовчилиги, қандли диабет, гипертоник касаллик.

Коронавирусли инфекция (COVID-19) юқори даражада ўлимга олиб келадиган инфекцион касаллик ҳисобланади. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотиға кўра 603 164 436 киши касал бўлган бўлса, улардан 6 482 338 таси ўлган. 2020-2021-йиллар давомида Тошкент шаҳрида COVID-19-дан ўлганларнинг бир қисми Республика патологик анатомия марказида аутопсия текширувидан ўтказилди. Ушбу тадқиқотда клиник-анамнестик ва морфологик таҳлил қилиш учун 224-таси ажратиб

олинди. Улардан 131 таси (58,5%) эркаклар, 93-таси (41,5%) аёлларни ташкил қилди. Ўлганларнинг ўртача ёши 59,6 бўлиб, 60 ёшдан ошганлар кўпчилики (53,4%) ташкил қилди. Ўлган касалларнинг ёш гуруҳлари ва жинси бўйича тақсимланиши 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал. COVID-19-дан ўлган касалларнинг ёш гуруҳлари ва жинси бўйича тақсимланиши, сон ва % фоизларда.

	Ёш гуруҳлари					
	30-39	40-49	50-59	60-69	70≤	Жами
Эркак	16	17	25	49	24	131
Аёл	11	14	21	29	18	93
Жами	27	31	46	78	42	224
%	12,1	13,8	20,5	34,8	18,8	

Клиникага госпитализация қилинган пайтда пациентларнинг касалланиш даври ўртача $8,17 \pm 4,32$ кунни, стационарда ётган кунлари ўртача $15,7 \pm 6,7$ кунни ташкил қилди. Госпитализация қилинган кунлари COVID-19 инфекциясининг оғир формаси 31,7% ташкил қилди. Аксарият касалларда биринчи кундан бошлаб тана харорати ошганлиги (69,8%), умумий ҳолсизлик (56,3%) кузатилган. Ҳар тўрттадан битта касалда тана харорати 38С-дан юқори бўлганлиги тасдиқланган. 92,8 % касалларда касалхонага тушгандан олдин ёки касалхонада КТ ўтказилган, натижалар қуйидагича тус олган, 83,3%-да ўпканинг кучли вирусли пневмонияси аниқланган. Касалларнинг йўлдош хасталиклари таҳлил қилинганда 96,2%-да ҳеч бўлмаганда битта касаллик мавжудлиги аниқланган. Улардан энг кўп учрагани гипертония касаллиги (59,46%), семизлик (37,6%), қандли диабет (27,6%), юрак ишемик касаллиги (36,8%), ўткир буйрак етишмовчилиги билан асоратланиш (19,7%) аниқланган (2-жадвал). Аксарият ҳолларда ушбу йўлдош касалликлар бир-бири билан қўшилиб келганлиги, 24,7% ҳолларда 4-та, 36,6% ҳолларда 3-та, 58,7%-да 2-та касалликлар қўшилиб келганлиги аниқланди. Бундан ташқари айрим касалларда меъда-ичак касалликларидан сурункали панкреатит, сурункали гастрит, сурункали холецистит аниқланган.

2-жадвал. COVID-19-дан ўлганлардаги йўлдош касалликларнинг тақсимланиши, сон ва % фоизларда

	Йўлдош касалликлар				
	ГК	Семизлик	ҚД	ЮИК	ОПН
Эркак	78	49	36	36	26
Аёл	55	34	26	27	18
Жами	133	83	62	63	44
%	59,4	37,5	27,6	28,3	19,7

Бир йилда Дунё бўйича гипертония касаллигидан 10,4 млн инсон ўлади, бу кўрсаткич COVID-19 пандемияси пайтида яна ҳам ошиб, 14,2

млнга етди. Гипертония касаллиги ва COVID-19 инфекцияси патогенезида ренин-ангиотензин-альдостерон тизими ётганлиги сабабли ушбу касалликлар биргаликда кўшилиб келганлигида дарднинг оғирлашиши кузатилади. Халқаро регистр маълумотлари бўйича гипертония касаллигининг COVID-19 инфекциясига йўлдош бўлиб келиши 59,4% ташкил қилган. Бизни материалимизда гипертония касаллиги COVID-19 инфекцияси билан йўлдош сифатида кўшилиб келиши 59,4% ҳолларда аниқланди. Гипертония касаллиги мультифакторли ва мультиомилли касаллик бўлганлигидан генетик, экологик ва патофизиологик омиллар асосида ривожланиши тасдиқланган. Ушбу иккита касаллик патогенезининг бир-бирига яқинлиги шундаки, қон томирлар деворининг ремодерланиши окисланиш стрессга боғлиқлиги, эндотелийнинг деструкцияланиб, шикастланиши умумий жараёнда амалга ошади. Бундан ташқари коронавируслик ангиотензинни ўзгартирувчи фермент рецептори орқали кириши гипертония касаллиги патогенезида асосий калит сифатида ўрин эгаллаши иккала касалликнинг бир-бирига патогенези бўйича яқинлигини кўрсатади.

Дунёда ҳозирги кунда 1 млрд киши меърий вазндан юқори даражада, улардан 124 млн болалар ва ўсмирлар семириш билан хасталанган. Семиришга учраган инсонларда инфекцион касалликларнинг кўп учрашлиги, жумладан COVID-19 инфекциясининг кенг тарқалганлиги исботланган. Бизнинг материалимизда COVID-19 инфекциясидан ўлганлар орасида 37,6% ҳолларда учради. Семириш ҳолати ушбу инфекцияга ҳам бевосита, ҳам билвосита таъсир кўрсатиши бир қатор олимлар томонидан тасдиқланган. Семириш асосан COVID-19 инфекциясига юрак-томир касалликларининг кучайиши билан таъсир кўрсатади. Семириш ҳолатининг грипп инфекциясига таъсири 2010 йили тажрибада исботланган. Бунда семизлиги бор пациентларда грипп аксарият ҳолларда пневмония ва унинг асоратлари билан давом этган. COVID-19 инфекцияси ва семиришнинг патогенетик омиллари бир-бирини оғирлаштиради. Семизликда қорин бўшлиғида йиғилган ёғ тўқимаси диафрагма экскурциясини қийинлаштириб, нафас олишни секинлаштиради. Семиз кишиларда уйқи пайтида апноэ ривожланиши организмда гипоксия ривожланишига олиб келади. Семизларда вирусли инфекция ривожланса проявляғланишли цитокинлар ва адипокинлар синтезини кучайтиради. Маълумки, семизликда проявляғланишли адипокин миқдори ошганда, интерлейкин 6 ва ўсмани некрозловчи омил ҳам ошади, натижада иммун жавоб сусаяди. Иммун тизимнинг Т- ва В-вариантлари танқисликга учраб, инфекциядан соғайишни қийинлаштиради.

Жаҳон олимлари маълумотлари бўйича қандли диабет касаллиги COVID-19 инфекциясини кучайтиради ва ундан ўлим ҳолатларини кўпайтиради. Бир қатор давлатлар, яъни Хитой, Италия, АҚШ олимлари кўрсатишича қандли диабет бор пациентларда COVID-19 инфекцияси

оғир кечганлиги кузатилган. COVID-19 билан касалланганлар орасида қандли диабетнинг учраш даражаси Хитойда 10,9%, Италияда 28,7%, АҚШ-да 35,5% ташкил қилган. Бизнинг материалimizда қандли диабет коронавирус инфекцияси билан касалланган ва ўлганлар орасида 27,6% ташкил қилди (2-жадвал). Аксарият ҳолларда қандли диабет юрак-томир касалликлари, гипертония касаллиги билан қўшилиб келганлиги аниқланди ва улар биргаликда инфекциянинг оғирлашувига олиб келганлиги кузатилди. 2-типтаги қандли диабетда лейкопения, лейкоцитларнинг бир-бирига нисбатан миқдори ўзгариши, СРБнинг юқорилиги, прокальцитониннинг ошиши COVID-19 авж олишига замин яратади. Бундан ташқари, гипергликемия ҳолати вирусли инфекция оқибатини ёмонлаштиради, организмда аномал яллиғланиш ва иммун реакцияни кўзғатади. COVID-19 инфекцияси қандли диабет фонида ривожланса организмда “цитокинли ҳужум” авж олиб, иккала касалликнинг ҳам оқибатини ёмонлаштиради.

Маълумки, юрак-томир касалликлари ва COVID-19 патогенетик жиҳатдан бир-бирига яқин, яъни иккаласида ҳам томирлар эндотелийси шикастланади. SARS-CoV-2 дастлаб эндотелий рецептори орқали уни шикастланганда қоннинг ивиш тизими бузилади, томирларда тромб пайдо бўлади, аъзоларда инфаркт ва инсульт ривожланади. ЮИК бор пациентларда COVID-19 инфекциясидан ўлим 4 баробаргача ошади. Бизнинг материалimizда COVID-19-га йўлдош бўлиб келган юрак ишемик касаллигидан ўлим ҳолатлари 28,3% ташкил қилди (2-жадвал). ЮИК кам ҳолларда яқка ўзи келганлиги, аксарият ҳолларда гипертония касаллиги, қандли диабет, семириш ва метаболик синдром билан қўшилиб келганлиги кузатилди. COVID-19 инфекциясида агар ЮИК ва ГК йўлдош бўладиган бўлса цитокинли ҳужум бошланиб, полиорган етишмовчилик ривожланиши мумкин, томирлар деворинда яллиғланиш ривожланишидан атеросклеротик пиллакчалар ёрилиб, тромбоэмболия пайдо бўлиши мумкин. COVID-19 инфекциясида юрак-томир тизими томонидан аритмия, миокардит ва перикардит, хатто кардиомиопатия ривожланиши мумкин. Айрим ҳолларда организмда ёғ алмашинуви бузилиб, метаболик синдром авж олиши мумкин. Демак, ЮИК ва ГК COVID-19-нинг оқибатларини ёмонлаштириши ва асоратларининг кўпайиши билан намоён бўлади. Ушбу касалликлар COVID-19 билан бирга келганда асоратлар, жумладан: ўткир юрак етишмовчилиги, инсульт, полиорган етишмовчилик, тромбоз ва тромбоэмболия каби асоратларни кучайтиради.

Буйракнинг ўткир шикастланиши ва COVID-19 синергик эффект орқали бир-бири билан боғлиқ бўлиши мумкин. Патологоанатомик текширувлар натижасида буйрак тўқимасида ҳам 60% ҳолларда SARS-CoV-2 вируси мавжудлиги аниқланган. Гистологик текширувларда аниқланишича, буйракнинг шикастланиши 62% ҳолларда аниқланган бўлса, аксарият ҳолларда ўткир тубулонекроз билан, сегментар

гломерулосклероз билан, нефропатия ва интерстициал пиелонефрит билан келиши тасдиқланган. Бизнинг материалимизда COVID-19 инфекцияси оқибатида ўткир буйрак етишмовчилиги 19,7% ҳолларда аниқланди (2-жадвал). Маълумки, буйрак тўқимасида ангиотензинни ўзгартирувчи фермент рецептори юқори даражада мавжуд бўлганлигидан SARS-CoV-2 вируси учун мишень бўлиши сир эмас. SARS-CoV-2 вирус буйракга бевосита цитопатик таъсир кўрсатади. Ўткир буйрак етишмовчилиги COVID-19 инфекциясининг оғир асорати бўлиб, морфологик жиҳатдан буйрак эгри-бугри каналчалар эпителийсининг сегментар ёки тотал некрозланиши билан намоён бўлади, клиник жиҳатдан анурия ва уремия ривожлантириб, бемор аҳволини оғирлаштиради.

Бизнинг асосий вазифаларимиздан бири, бу - COVID-19 ривожланиб, йўлдош касалликлари авж олган ва ҳар хил асоратларидан ўлганларда буйрак усти безининг шикастланишини таҳлил қилиш бўлди. Аутопсия текширувида олинган буйрак усти бези тўқимасидан тайёрланган гистологик препаратларни микроскоп остида ўрганиб, без тўқимасида қуйидаги патологик ўзгаришлар, яъни томирлар тўлақонлиги, деворида фибриноид бўкиш ва фибриноид некроз, айримларида тромбоз ривожланганлиги, оралиқ тўқима шиши, қон қуйилишлар, без паренхимасининг дистрофия ва некробиози, инфаркт ривожланиши мавжудлигига қараб шикастланиш даражаси аниқланди. Натижалар шуни кўрсатдики, барча йўлдош касалликлар ичида гипертония касаллигида буйрак усти без тўқимасида иккиламчи патологик ўзгаришлар кўп ва кенг миқёсда ривожланганлиги аниқланди. Бунда патологик ўзгаришлардан кўпроқ қон томирлар тўлақонлиги, периваскуляр ва массив қон қуйилишлар, айрим ҳолларда буйрак усти без пўстлоқ қавати каптокчали ва тўрли майдонларида инфаркт ривожланганлиги аниқланди.

3-жадвал. COVID-19 ривожланиб йўлдош касалликлардан ўлганларда буйрак усти бези шикастланишининг тақсимланиши, сон ва % фоизларда

		Йўлдош касалликлар				
Тури		ГК	Семизлик	ҚД	ЮИК	ОПН
Сони		133	83	62	63	44
Буйрак усти без шикастланиши	Сони	31	11	10	12	9
	%	23,7	12,6	16,5	19,2	21,8

Кейинги навбатда COVID-19 инфекцияси оқибатида ўткир буйрак етишмовчилиги ривожланган пациентлар буйрак усти без тўқимасида иккиламчи патологик ўзгаришлар (21,8%) ривожланиши устун турганлиги кузатилди (3-жадвал). Бунда, морфологик жиҳатдан буйрак усти без тўқимаси паренхимасининг кучли даражада дистрофияси ва некробиози аниқланди. Некробиотик ўзгаришлар без пўстлоқ қавати каптокчали ва устунли майдонларида адренокортикоцит хужайраларнинг вакуоляр ва

гиалин томчили дистрофияси, натижада колликвацион ва коагуляцион некрозланиш ўчоқлари пайдо бўлганлиги кузатилади.

Маълумки юрак ишемик касаллигида нафақат юрак томирлари, балки буйрак усти томирларида ҳам дисциркулятор ўзгаришлар устун туради. COVID-19-га йўлдош касаллик сифатида қўшилиб келган юрак ишемик касаллигидан нобуд бўлган пациентлар буйрак усти безида иккиламчи патологик ўзгаришлардан (19,2%) дисциркулятор ўзгаришлар, буз тўқимаси айрим ўчоқларининг ишемияси ва ҳар хил катталикдаги инфаркт ўчоқларининг пайдо бўлиши аниқланди. Бунда, без пўстлоқ қавати тўрли майдонида кенг миқёсда қон қуйилишлар пайдо бўлганлиги кузатилди.

Қандли диабет касаллиги йўлдош бўлиб ривожланган пациентлар буйрак усти бези тўқимасида иккиламчи патологик ўзгаришлар 16,5% ҳолларда аниқланди. Без тўқимасини морфологик жиҳатдан ўрганиш шуни кўрсатдики, асосий ўзгаришлар қандли диабет касаллиги таъсирида юз берган қон томирлар девори углеводли дистрофияси, плазморрагияси ва склерозланиши оқибатида без тўқимасида қон айланишининг бузилиши, натижада веноз тўлақонлик, ўчоқли ва массив қон қуйилишлар, айрим ҳолларда каптокчали майдонида майда ўчоқли инфарктлар пайдо бўлганлиги аниқланди. Бундан ташқари буйрак усти без паренхимасида вакуоляр, паренхиматоз ёғли дистрофия ривожланганлиги, натижада без пўстлоғи устунли майдонида ёғли некроз ўчоқлари пайдо бўлганлиги кузатилди.

Семизлиги бор инсонларда COVID-19 инфекциясининг кўп ҳолларда ривожланиши қайта-қайта тасдиқланган. Бизнинг материалимизда семизлиги бор пациентларнинг 12,6%-да буйрак усти без тўқимасида иккиламчи патологик ўзгаришлар пайдо бўлиши аниқланган (3-жадвал). Морфологик жиҳатдан буйрак усти бези атрофидан кўп миқдорда ёғ тўқимаси билан ўралганлиги, айрим жойларида ёғ тўқимаси без паренхимасига ўсиб кириб борганлиги ва қон томирлари деворида мукоид ва фибриноид бўкиш, фибриноид некроз, айрим майда томирларда фибринли тромбоз ва атрофида лимфоид инфильтрация пайдо бўлганлиги кузатилди. Без тўқимаси таркибида тўлақонлик, қон қуйилишлар, без паренхимасида углеводли ва ёғли дистрофия, натижада ёғли некрозланиш ўчоқлари пайдо бўлганлиги аниқланди.

Хулоса.

COVID-19 инфекциясига йўлдош бўлган касалликлар учраш даражасида гипертония касаллиги етакчилик қилганлиги, семизлик кейинги ўринда турганлиги, қандли диабет ва ЮИК улардан 2 баробар кам учраганлиги кузатилди.

COVID-19 инфекциясига йўлдош бўлиб авж олган касалликлардан ўлганлар буйрак усти без тўқимасида иккиламчи патологик ўзгаришлар ривожланган ҳолатлар ўртача 18,7 % ташкил қилганлиги кузатилди.

Йўлдош касалликлардан гипертония касаллигида буйрак усти безида иккиламчи патологик ўзгаришлар кўп учраганлиги (23,7%) морфологик жиҳатдан қон томирлар тўлақонлиги, периваскуляр ва массив қон қуйилишлар, айрим ҳолларда буйрак усти без пўстлоқ қавати каптокчали ва тўрли майдонларида инфаркт ривожланганлиги аниқланди.

COVID-19 инфекцияси оқибатида ўткир буйрак етишмовчилиги ривожланган пациентлар буйрак усти без тўқимасида иккиламчи патологик ўзгаришлар 21,8% учраб, морфологик жиҳатдан без тўқимаси паренхимасининг кучли даражада дистрофияси ва некробиози аниқланди

АДАБИЁТЛАР РУЙХАТИ

1. Должанская Н.А., Бузина Т.С., Клименко Т.В. ВИЧ-инфекция, вирусные гепатиты, COVID-19 и проблемы их профилактики в наркологии. аспекты соматической коморбидности в наркологии. № 5. С.5-20. 2020
2. Шлемская В.В., Хатеев А.В., Просин В.И., Суранова Т.Г. Новая коронавирусная инфекция COVID-19: краткая характеристика и меры по противодействию ее распространению в Российской Федерации // Медицина катастроф. 2020. №1. С. 57–61.
<https://doi.org/10.33266/2070-1004-2020-1-57-61>
3. Драпкина О. М., Самородская И. В., Сивцева М. Г., Какорина Е. П., Брико Н. И., Черкасов С. Н., Цинзерлинг В. А., Мальков П. Г. Методические аспекты оценки заболеваемости, распространенности, летальности и смертности при COVID-19. *Кардиоваскулярная терапия и профилактика*. 2020;19(3):2585. doi:10.15829/1728-8800-2020-2585
4. Pan A, Liu L, Wang C, et al. Association of public health interventions with the epidemiology of the COVID-19 outbreak in Wuhan, China. JAMA. 2020 doi: 10.1001/jama.2020.6130.
5. Guan W, Ni Z, Hu Y. Clinical characteristics of coronavirus disease 2019 in China. N Engl J Med. 2020 doi: 10.1056/NEJMoa2002032. published online Feb 28. [PMC free article] [PubMed] [CrossRef] [Google Scholar]
6. Zhang JJ, Dong X, Cao YY. Clinical characteristics of 140 patients infected by SARS-CoV-2 in Wuhan, China. Allergy. 2020 doi: 10.1111/all.14238. published online Feb 19. [PubMed] [CrossRef] [Google Scholar]
7. Satturwar et al. Postmortem Findings Associated With SARS-CoV-2. Am J Surg Pathol 2021;45:587–603
8. Kanczkowski W et al. Adrenal Gland Function and ... Horm Metab Res 2022; 54: 532–539
9. Wong DWL, Klinkhammer BM, Djudjaj S et al. Multisystemic cellular tropism of SARS-CoV-2 in autopsies of COVID-19 patients. Cells 2021; 10: 1900

- 10.Freire SM, Borba MGS, Baia-da-Silva DC et al. Case report: adrenal pathology findings in severe COVID-19: an autopsy study. Am J Trop Med Hyg 2020; 103: 1604–1607
- 11.Zinserling VA, Semenova NY, Markov AG et al. Inflammatory cell infiltration of adrenals in COVID-19. Horm Metab Res 2020; 52: 639–641

РЕЗЮМЕ

СТЕПЕНЬ РАЗВИТИЯ СОПУТСТВУЮЩИХ ЗАБОЛЕВАНИЙ ПРИ COVID-19 ИНФЕКЦИИ, ДАННЫЕ О РАЗВИТИИ ВТОРИЧНЫХ ПАТОЛОГИЧЕСКИХ ИЗМЕНЕНИЙ В ТКАНИ НАДПОЧЕЧНИКОВ

Исраилов Ражаббой Исраилович, Нажмиддинова Нилуфар
Нурали кизи

Israilovrajabboy@mail.com

nilya_92@mail.ru

Ташкентская Медицинская Академия

Ключевые слова: Коронавирус, инфекция, надпочечники, острая почечная недостаточность, сахарный диабет, гипертоническая болезнь.

В данной статье представлена информация о сопутствующих заболеваниях при COVID-19. Результаты показали, что по частоте возникновения заболеваний, сопровождающих инфекцию COVID-19, лидирует гипертоническая болезнь, за ней следует ожирение, а сахарный диабет и ИБС встречаются в 2 раза реже. Отмечено, что в среднем в 18,7% случаев у умерших от присоединенных заболеваний к коронавирусной инфекции пациентов наблюдались вторичные патологические изменения в ткани надпочечников. У 21,8% пациентов, у которых развилась острая почечная недостаточность вследствие инфекции COVID-19, были выявлены вторичные патологические изменения ткани надпочечника, морфологически выявлены выраженная дистрофия и некробиоз паренхимы ткани железы.

SUMMARY

DEVELOPMENT OF CONSOLIDATED DISEASES IN COVID-19 INFECTIONS, DATA ON THE DEVELOPMENT OF SECONDARY PATHOLOGICAL CHANGES IN ADRENAL TISSUE

Israilov Rajabboy Israilovich, Najmiddinova Nilufar Nurali kizi

Israilovrajabboy@mail.com

nilya_92@mail.ru

Tashkent Medical Academy

Key words: Coronavirus, infection, adrenal glands, acute renal failure, diabetes mellitus, hypertension.

This article provides information on the incidence of diseases associated with the infection of COVID-19. The results showed that hypertension was leading in the rate of occurrence of diseases accompanying the infection of

COVID-19, then stayed the obesity, and diabetes and cardiac ischemia were 2 times less frequent. It was observed that, on average, 18.7% of the cases of secondary pathological changes in the tissue of the adrenal glands of those who died from diseases that were accompanied by the infection of the coronavirus. 21.8% of patients who developed acute kidney failure due to COVID-19 infection had secondary pathological changes in the tissue of the adrenal gland, morphologically, severe dystrophy and necrobiosis of the parenchyma of the gland tissue were detected.

УДК 324-251,7-564.02.77-82

ВЛИЯНИЕ БИОСТИМУЛЯТОРОВ НА ИММУННУЮ СИСТЕМУ И РОСТ И РАЗВИТИЕ КРОЛИКОВ

**Кахоров Болта Абдугафарович., Расулова Севара Латиповна.,
Шавкатова Хумора Равшан қизи., Бахронов Сохибжон Сапо ўғли.**

Национальный университет Узбекистана., Ташкент.

qaxorov@mail.ru

Ключевые слова: кролики, биостимулятор, коррекция, эритроциты, лейкоциты, живая масса.

Введение. Кролиководство – одна из перспективных отраслей животноводства, занимающаяся разведением наиболее скоро спелых животных. От одной крольчихи можно получить в год 5-6 кролов или более 30 крольчат, что равноценно (после их откорма) 70-75 кг мяса, кроме того, получают 20-30 шкурок. Мясо кроликов является ценным диетическим продуктом, по сравнению с говядиной, бараниной и свининой в нем содержится больше легкоусвояемых полноценных белков и меньше холестерина. Белок кроличьего мяса человек усваивает на 90 %, а из говядины – на 62 %. В настоящее время импорт мяса кролика составляет 20-25% от потребления всех видов мяса. Это статистика Узстата. А с принятой доктриной продовольственной безопасности сейчас поставлена задача снижения доли импорта до 20 %. Особенно сейчас, когда участились случаи разных заболеваний, многие регионы рассматривают кролиководство именно как альтернативу разведению свиней и крупного рогатого скота. Конечно, мясо кролика не заменит ни баранину, ни говядину. Но, с другой стороны, есть определенные сегменты, ниша, которая на сегодняшний день свободна и которая может активно развиваться. Необходимо отметить, что данные о росте и развитии молодняка кроликов серебристой породы выращенных с использованием биостимуляторов Нуклеопептид источниках литературы отсутствуют. Поэтому была поставлена цель исследования: изучение влияния препаратов Нуклеопептид на рост и развитие кроликов породы.

Объекты и методы исследования. Нуклеопептид – представляет собой очищенный экстракт селезенки крупного рогатого скота, полученный путем автолиза. Благодаря стимулирующему действию этих соединений на реакции клеточного и гуморального иммунитета, препарат

способствует улучшению развития и роста животных. Нуклеопептид разработан российскими учеными, экологически чист и абсолютно безопасен. Он безопасен как для животных, так и для человека, не содержит химически синтетических веществ и генетически модифицированных организмов. По степени воздействия на организм Нуклеопептид относится к малоопасным веществам 4-й класс опасности.

Объектом исследования служили 30 голов кроликов в возрасте 2 мес. По принципу аналогов из животных сформировали две группы по 10 голов в каждой. Животные I группы служили контролем, им не применяли препарат. Животным II опытной группы вводили препарат Нуклеопептид в дозе 0,5 мл/кг живой массы. Животным III опытной группы вводили препарат Нуклеопептид в дозе 1,0 мл/кг живой массы. Подопытные животные находились в одинаковых условиях содержания в стандартных клетках. Основной рацион во всех группах соответствовал нормам кормления. Эксперимент проводили в осенний период, в стандартных условиях. Опытным животным Нуклеопептид вводят подкожно. Препарат применяли кроликам один раз в сутки в течении 3 дней. Повторный курс применения препарата проводят с интервалом 14 дней.

Результаты исследования. Показатели прироста живой массы кроликов опытных и контрольной группы до и после применения биостимуляторов Нуклеопептид приведены в таблице. Данные таблицы свидетельствуют о том, что к концу опытного периода после применения биостимуляторов в течении 1 месяца использования поспособствовали увеличению живой массы кроликов в опытных группах. Так, у кроликов II опытной группы увеличилась масса тела на 1577 г, в III опытной группе увеличилась на 1310 г, в то время как в контрольной группе масса увеличилась на 961 г. Наивысший показатель прослеживается во II опытной группе. Он превышает показателя прироста живой массы кроликов на 608 г в I контрольной группе, и в III опытной группе на 264 г.

Показатели выращивания молодняка кроликов при использовании биостимуляторов Нуклеопептид.

Группа	Живая масса кроликов, г		Прирост живой массы за 30 дней, г		
	В 60-дневном возрасте, начало опыта	В 90-дневном возрасте, конец опыта	Среднесуточный прирост живой массы, г	Абсолютный прирост живой массы, г	Относительный - прирост живой массы, %
I Контрольная	1985±43,20	2946±98,12	32,03±0,20	961±16,6	38,9
II Опытная (0,5)	1977±42,02	3554±122,11*	52,56±0,27	1577±29,86	57,0
III Опытная (0.1)	1980±40,54	3290±115,08*	43,66±0,22	1310±20,54	49,7

В таблице приведены также данные по величине среднесуточного, абсолютного и относительного прироста живой массы кроликов которые свидетельствуют об эффективности действия препаратов при его введении молодняку кроликов с 60-дневного возраста. Анализ полученных данных показывает, что средне суточный прирост живой массы во II опытной группе имеет наивысший показатель. Он составляет 52,56 г. Наименьший прирост живой массы в I контрольной группе 32,03 г. Абсолютный прирост является вполне удовлетворительным показателем роста, и он широко используется в практике для учета роста и развития животных. Достаточно высокие темпы абсолютного прироста живой массы так же прослеживается во II опытной группе составляет 1577 г. В то время, как абсолютный прирост живой массы в I контрольной группе составил всего 961 г, и 1310 г в III опытной группе. Разница между опытными группами составляет 267 г. Однако характеристика скорости роста только по абсолютному и среднесуточному приросту живой массы не может полностью отразить фактическую интенсивность прироста, поэтому наиболее правильное представление о процессе роста можно получить путем определения еще и относительного прироста. Наивысший показатель относительного прироста живой массы прослеживается во II опытной группе. Он выше, чем у сверстников контрольной группы на 18,1 %, и на 7,3 % выше III опытной группы. Высокие показатели относительной скорости роста II опытной группы еще раз подтверждают высокую энергию роста опытных животных.

Заключение. Результаты проведенных исследований показали, что применение биостимуляторов Нуклеопептид с 60-дневного возраста способствуют ускорению роста животных и улучшают общее развитие восстанавливает иммунный систему животных. Разные дозы биостимулятора поспособствовали увеличению живой массы кроликов, но наивысший показатель прироста живой массы прослеживается у животных II опытной группы 1577 г, которым вводили препарат Нуклеопептид в дозе 0,5 мл/кг и 1,0 мл/кг живой массы.

СПИСОК ЛИТЕРАТУРЫ

1. Емельянов А.Ю. Тенденция рынка и направления деятельности «Национального союза кролиководов», или кто подставил кролика?/ А.Ю. Емельянов // Эффективное животноводство. 2013.- № 12. - С. 36 - 37.
2. Норейко А.Ю. Влияние промышленного скрещивания на рост и развитие кроликов мясных пород Европейской селекции в условиях Белоруси/ А.Ю. Норейко, Ю.И. Герман// Розведення і генетика тварин. 2014.- № 48.- С. 92 - 98.
3. Сысоев В.С. Кролиководство / В.С. Сысоев, Александров В.Н. – М.: Агропромиздат, 1985. – С. 272.

4. Технологические основы производства и переработки продукции животноводства: Учебное пособие/ Составили : Н.Г. Макарец, Л.В. Топорова, А.В. Архипов; под ред. В.И. Фисина, Н.Г. Макареца. - М.: Издательство МГТУ им. Н.Э.Баумана, 2003. – С. 808.
5. Ученые записки: том 214 / гл.ред. Г.Ф. Кабиров, ред.кол.: А.М.Алимов, А.Х. Волков, Т.В. Гарипов.- Казань :КГАВМ, 2013. – С. 518.

РЕЗЮМЕ

